O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... INV. №


# Oʻzbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2008-yil, 11-iyul • № 28 (3960)


## МУСИҚА — ЭЗГУЛИК ЭЛЧИСИ

2008 — Ёшлар йили

***Мусиқа — миллатнинг қалби, эзгуликлар оламига етакловчи маънавий восита ҳисобланади. — “Мусиқа деб аталмиш илоҳий бу мўъжизада шундай бир сеҳр мужассамки, уни тушуниш, таъсирини сезиш учун ҳеч қандай таржимоннинг кераги йўқ, — деб таъкидлаган эди давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Ўзбекистон давлат консерваторияси янги биносининг очилишига бағишланган маросимда. — ... Ўзбек халқи ўзининг юксак мусиқий салоҳияти, мусиқа санъатига улкан муҳаббати билан азалдан жаҳон аҳлининг эътирофини қозонган. Юртимизда ўз мусиқачиси, ўз санъаткори бўлмаган қишлоқ ёки маҳаллани топиш қийин. Ҳар бир ўзбекнинг меҳмонхонасида дутор ёки танбур каби бирон-бир чолғунинг доимо осиғлиқ туриши ҳам халқимизнинг ана шу санъатга чексиз ҳурмати ва ихлосидан далолат беради”.***



С.ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

Шу маънода кейинги йилларда мамлакатимизда истеъдодли болаларни мусиқий таълимга фаол жалб этиш, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича кенг кўламли тадбирлар белгиланаётгани, чунончи 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури ишлаб чиқилгани айни муддао бўлди. Дастурдан кўзда тутилган асосий мақсад — мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг юксак намуналаридан баҳраманд бўлишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва шу асосда мусиқий таълимни янада ривожлантириш, мусиқашунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, соҳа педагог ва мутахассислари меҳнатини муносиб равишда рағбатлантиришдан иборат.

Мусиқа шундай воситаки, у янги авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади, инсон руҳий оламига бевосита таъсир кўрсатади, тингловчи дунёқарашини шакллантиради. Айни чоғда у инсоннинг маънавий эҳтиёжларини қондиради, ҳис-туйғуларини бойитади. Ёшлигидан мусиқа санъатига қизиққан, устозлар сабоғини олган бола қалби эзгу туйғулар билан банд бўлади. Руҳшунос олимларнинг кузатишларича, қўшиқ куйлайдиган, бирон бир чолғуда куй ижро эта оладиган боланинг характерида Она-Ватанга, она-табиатга муҳаббат кучли бўлади. Бундай болалар одоб-ахлоқли, самимий ва ғамхўр дўст бўладилар.

Шундан келиб чиқиб, мазкур Дастурда болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини тубдан яхшилаш, 2009 — 2014 йиллар давомида 136 та янги болалар мусиқа ва санъат мактабини қуриш, бунда уларнинг аҳоли яшаш жойларига имкон қадар яқин бўлишига эришиш, бугунги кунда фаолият олиб бораётган 142 та билим юртини капитал таъмирлаш, уларни тобора ўсиб бораётган замонавий талабларга мос равишда жиҳозлаш, ўқув дастурларини жиддий янгилаш ва бошқа бир қатор мақсадлар кўзда тутилган. Бу вазифанинг кўламини тасаввур қилиш учун баъзи рақамларни келтириб ўтиш жоиз. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, кейинги беш йил ичида мазкур Дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун 355 миллиард сўмдан ортиқ, жумладан, мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш учун 240 миллиард, уларни мусиқа асбоблари, тегишли ускуналар билан таъминлаш учун эса 115 миллиард сўм маблағ ажратиш зарур бўлади.

Ўз келажагини ёш авлод тарбиясида кўраётган, фарзандлари чиндан ҳам бахтли-саодатли бўлишини ният қилган ва бу йўлда ҳеч нимани аямаётган мамлакатдагина шундай қарор қабул қилиниши мумкин.

Дастурда мусиқа соҳаси мураббийлари маҳоратини янада ошириш, уларни қайта тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор берилган. Бунда Ўзбекистон давлат консерваторияси ижодий жамоаси зиммасига алоҳида масъулият юкланади.

Умид билан суқилган таёқ бир кун берар меваю япроқ деганларидек, мусиқа таълимини ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган ишларнинг самараси бугуннинг ўзидаёқ кўзга ташланиб турибди. Деярли ҳар ҳафтада дунё мамлакатларидан ўзбекистонлик ижрочи ёшларнинг муваффақиятлари тўғрисидаги хушхабарлар келиб туриши эндиликда одатий бир ҳол бўлиб қолди. Ушбу сатрлар қоғозга тушаётганида Успенский номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейи ўқувчиси Нодира Дадамуҳамедова Будапешт шаҳрида ўтган ёш пианиночилар халқаро танловида биринчи ўринни эгаллагани хабар қилинди. Нодира билан бирга таҳсил олаётган Зарина Агаева ва Тамара Акбарова ҳам мазкур танловда қатнашиб, ўз гуруҳларида ғолиб бўлишган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Муҳими — ўзбекистонлик ижрочи ёшларнинг иқтидори ўсиб, дунё кенгликларида баралла янграётганида. Бу эса ҳар биримизнинг қалбимизда чексиз фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади.

## ИНСОННИ АНГЛАШ БАХТИ

### ёхуд бағрикенглик муҳити

***Ўзбекистон истиқлолининг дастлабки йилларида (1992) мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилган эди. Шундан буён юртимизда миллатлараро тотувликни таъминлаш, жамиятда бағрикенглик муҳитини қарор топтириш борасида марказ томонидан кўплаб хайрли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.***

***Байналмилал маданият маркази директори Насриддин МУҲАММАДИЕВнинг мухбиримиз билан суҳбатида миллатлараро муносабатларни равнақ топтириш, юртимизда яшаётган турли миллат ва элатларнинг урф-одат ҳамда анъаналарини сақлаб қолиш, шунингдек, бу борада миллий-маданий марказларга амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан рўёбга чиқарилаётган ишлар ҳақида сўз боради.***

**— Насриддин Мисриддинович! Дунёда инсоннинг бир-бирини тушуниши ва англашидан ҳам кўра улуғроқ бахт бўлмаса керак. Бу ҳақда сўз борганда, Сиз кўпинча мавлоно Румий ҳазратларининг машҳур ривоятини тилга оласиз.**





— Дарҳақиқат, Жалолиддин Румий бобомиз бундан саккиз аср муқаддам инсоният учун бугун ҳам ниҳоятда муҳим бўлиб турган долзарб муаммони тилга олиб, унинг ечимини ҳам кўрсатиб берган эди. Бу турли тилларда сўзлашувчи одамларнинг бир-бирларини англаши масаласи. Яъни, бир куни йўлда тўрт киши ҳамроҳ бўлиб қолишибди. Уларнинг бири турк, иккинчиси форс, учинчиси араб, тўртинчиси юнон экан. Тўрталови ҳам ниҳоятда оч, нон олишга чўнтакларида бир чақа ҳам қолмаган. Шу пайт бир отлиқ одам ўтиб қолибди ва уларга раҳми келиб, бир танга берибди. Тўртовлон шу тангага нима олиб ейиш ҳақида баҳслаша бошлабдилар. "Бозорга бориб узум оламиз", — дебди турк. "Йўқ, бўлмайди, яхшиси "ангур" олайлик", — дермиш форс. "Эйнаб" олсак яхши бўлади", — дея суҳбатга аралашибди араб. "Энг яхши таом — "истафил", — дея эътироз билдирармиш юнон. Уларнинг тортишуви жанжалга айланибди. Бир-бири билан ёқалашаётганлар олдидан ногаҳон кўп тилларни билувчи бир доно одам ўтиб қолибди. Жанжал сабабини суриштириб уларни тинчитибди-да: "Эй, нодонлар, — дебди, — барчангиз-ку, бир нарсани, яъни узумни хуш кўраркансиз, лекин уни турли тилларда айтиб бир-бирларингни тушунмаяпсизлар. Бозорга бориб узум олинглар-да, тановул қилаверинглар".

Тўртовлон маслаҳатга амал қилиб ярашибди ва ўз йўлларига равона бўлишибди. Қиссадан ҳисса шуки, одамлар бир-бирини англамаса, тушунишга интилмаса — ўзаро низо келиб чиқади. Шундай пайт уларга тўғри йўлни кўрсатувчи доно раҳнамо керак.

Румий ҳазратлари айтган ривоятдан чиқаришимиз зарур бўлган муҳим хулоса шундаки, инсон энди бир-бирининг тилинигина эмас, дилини ҳам, орзу-интилишларини ҳам англаши керак. Чунки бугун ўзга тилларни билишнинг ўзигина камлик қилади. Инсоният азалий орзу-армонига етиши учун бир-бирини дилдан англамоғи зарур.

Байналмилал маданият марказимиз кенг қиррали фаолиятини ана шу эҳтиёж ва Юртбошимиз даъватлари моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ташкил этаётир.

**— Ҳозир мамлакатимиз шаҳар ва туманларида 140 дан ортиқ миллий-маданий марказ иш олиб бораётган экан. Улар фаолиятини мувофиқлаштириш учун марказ томонидан қандай ташкилий ва услубий ёрдамлар кўрсатилмоқда?**

— Марказимиз Ўзбекистонда яшаётган турли миллат фарзандларининг учрашув жойи, ўзига хос Дўстлик уйига айланган. Бу ерда муттасил равишда халқ байрамлари, фестиваллар, учрашувлар, таниқли маданият арбобларининг чиқишлари, семинар ва анжуманлар ўтказиб турилади. Миллатлараро бағрикенглик муҳитини қарор топтириш мақсадида миллий марказларнинг жамоатчилик ташаббуслари қўллаб-қувватланади. Шуни айтиб ўтишни истардимки, бундай тузилма бизга қўни-қўшни мамлакатларнинг бирортасида йўқ.

**Давоми иккинчи бетда.**



## УЛУҒ БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

**Энг азиз ва энг улуғ байрамимиз — Ўзбекистон истиқлолининг 17 йиллиги тантаналари тобора яқинлашмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва бошқа ижодий ташкилотлар, шунингдек, Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг ижодий гуруҳлари республикамиз вилоятларига йўл олишиб, меҳнат жамоаларида учрашув ва ижодий кечалар, истиқлол ва маънавият мавзуида турли мулоқотлар ўтказмоқда. Истиқлол байрамининг вилоятлардаги театрлашган томошасини тайёрлаш жараёнларида иштирок этиб, жойлардаги санъаткорлар, ташкилий гуруҳларга ижодий ёрдам бермоқдалар.**

Китоб, Яккабоғ ва Касби тумани марказий шифохоналарининг тиббиёт ходимлари, Хожа Бухорий номидаги Китоб ўрта махсус ислом билим юрти талабалари билан бўлган учрашув ва мулоқотларда мустақиллик ва маънавий меросга муносабат, бу борада истиқлол йиллари амалга оширилган ишлар, юртимиз шаҳар ва қишлоқларининг янада обод бўлаётгани, мамлакатимизда рўёбга чиқарилаётган улкан бунёдкорлик режалари, янги темир йўл ва авто йўллар, спорт иншоотлари, таълим ва тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларнинг самараси ҳақида сўз борди.

Ижодкорлар тоғлардаги сўлим масканлар, гўзал оромгоҳларда истиқлолимиз фарзандлари ёзни мазмунли ўтказишлари учун яратилган шарт-шароитлар билан ҳам танишиб, қувноқ болалар даврасида унутилмас учрашувлар ўтказдилар. Айниқса, Муборак газни қайта ишлаш заводининг "Ниҳол", "Муборакнефтгаз"нинг Мингчинордаги, "Шўртангаз" унитар корхонасининг Ишкентдаги Турнабулоқ оромгоҳларида бўлиб ўтган ҳаяжонли учрашувлар болалар ва ижодкорларда катта таассурот қолдирди. Бу оромгоҳларнинг ҳар бирида бутун ёз мавсумида нефт ва газ саноати ишчи-хизматчиларининг мингдан ортиқ фарзандлари ҳордиқ чиқаришади. Улар учун шаҳарлардагидан ҳам аъло шароитлар яратиб берилган. Меҳмонхона типидаги ётоқ бўлмалари, сув ҳавзалари, спортнинг барча турлари билан шуғулланиш имконини берадиган махсус майдончалар, томоша саҳналари, кутубхона ва расм чизиш бўлмалари болаларнинг фақат ҳордиқ чиқариб саломатликларини мустаҳкамлашигагина эмас, истеъдодларини камолга етказишига ҳам хизмат қилади.

"Ниҳол" болалар оромгоҳи директори Абдураззоқ Исоқовнинг айтишича, нефт ва газ саноати корхоналарига қарашли бу оромгоҳлар ҳар йили кенгайиб ва обод бўлиб бормоқда. Уларни қайта қуриш жараёнида янги ётоқ бўлмалари тикланмоқда. Сабаби шу йилдан бошлаб мазкур оромгоҳлар ёзги мавсум охиридан то қиш кунларига қадар болажонларнинг ота-оналари саломатликларини тиклашлари учун ҳам хизмат кўрсата бошлайди.

Мингчинордаги болалар оромгоҳида ёддан ифодали шеър ўқиш бўйича шеърхонлик баҳси бўлиб ўтди. Пойтахтдан ташриф буюрган ижодкорлар иштирокидаги ана шу мушоирада Марҳабо Маҳмадиева ижодий раҳбарлигидаги Замира Эргашева, Ситора Яхшибоева, Дурдона Бобомуродова, Достонбек Холиқовлар ғолиб бўлишди. "Ниҳол" болалар оромгоҳида эса "Ўзбекистонимни куйлайман", "Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб" деб ном олган ватанпарварлик ва болалар қўшиқлари танловлари ўтказилди.

Учрашувларда Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети проректори Шуҳрат Сирожиддинов, Республика байналмилал маданият маркази директори Насриддин Муҳаммадиев, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафталиги бош муҳаррири ўринбосари Мурод Абдуллаев, Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий ходими Носир Муҳамедов ва бошқа ижодкорлар ҳамда санъаткорлар иштирок этишди.

* * *

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари, шоир Минҳожиддин Мирзо, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, Тошкент тўқимачилик институти ректори Қадам Жуманиёзов, шоирлар Хуршида, Мунаввара, Абдунаби Бойқўзиев, шунингдек таниқли ҳофизлар — ака-ука Ваҳобовлар Андижон Тиббиёт институти ҳамда Марҳамат туманидаги қишлоқ ва сув хўжалиги касб-ҳунар коллежи талабалари, Марҳаматдаги туман маҳаллалари фаоллари, ёшлар давралари, ишлаб чиқариш корхоналари ва фермерларнинг далаларида бўлиб ўтган учрашувларда истиқлолимизнинг ўн етти йили мобайнида мамлакатда амалга оширилган улуғвор ишлар ҳақида фикр юритдилар. Шоирлар ўз шеърлари ва дил сўзлари, санъаткорлар шўх куй ва қўшиқлари билан давраларга файз, дилларга қувонч улашдилар.

## ЯНГИ АСАР МУҲОКАМАСИ

Султон Жалолиддин Мангуберди сиймоси ўзбек Миллий академик театри саҳнасида... олтмиш олти йилдан кейин яна намоён бўлди.



Иккинчи жаҳон уруши йилларида Мақсуд Шайхзода қаламига мансуб "Жалолиддин Мангуберди" драмаси мазкур театр саҳнасида зўр маҳорат билан намойиш этилган ва ёвга қарши ҳайқириқдай жарангланган эди. Мустақиллик йилларида Давлатимиз раҳбарининг Амир Темур, Султон Жалолиддин каби ватандошларимизнинг номини улуғлаш, Ватан озодлиги йўлидаги қаҳрамонона ишларини ёш авлодга намуна қилиб кўрсатишга доир кўрсатмалари асосида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Жалолиддин Мангуберди номида давлатимизнинг юксак мукофоти таъсис этилди, жасур ватандошимиз таваллудининг 850 йиллиги мамлакат миқёсида кенг нишонланди, бу жасур саркарда ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бир қатор бадиий ва тасвирий санъат асарлари яратилди.

Яқинда Миллий академик драма театрида таниқли драматург Эркин Самандар қаламига мансуб "Султон Жалолиддин" спектаклининг (Саҳналаштирувчи режиссёр Валижон Умаров) жамоатчилик кўриги бўлиб ўтди. Султон Жалолиддин Ватанни севиш, уни ҳимоя қилиш йўлида жонини фидо қилган, озод эл бошига бало-қазодай ёпирилиб келган Чингизхон лашкарларига қарши матонатли кураш олиб борган, бу курашда ажойиб ғалабаларга эришиб, ҳатто душманларини ҳам лол қолдирган муносиб фарзанд эди. Муҳокама чоғида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб-чиқариш бирлашмаси ҳамда Миллий академик драма театри бадиий кенгашлари аъзолари, театршунос олимлар, саҳна санъати мутахассислари, ёзувчилар ва бошқа жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Спектакл намойишидан кейинги муҳокамада санъатшунос ва адабиётшунос олимлар Ҳафиз Абдусаматов, Суйима Ғаниева, Тошпўлат Турсунов, Омонилла Ризаев, Ҳамидулла Икромов, Баҳриддин Насриддинов, Қозоқбой Йўлдошев, Пирмат Шермуҳамедов, Адҳамбек Алимбеков, Ислом Ёқубов, академик Сойибжон Неъматов, тарихчи олимлар Исмоил Бекжон, Жумабой Раҳимов, ёзувчилар Омон Мухтор, Анвар Жўрабоев ва бошқалар сўзга чиқиб, янги саҳна асарининг ютуқ ва камчиликларига алоҳида тўхталиб ўтдилар. Хусусан, мавзунинг нисбатан мураккаблиги, режиссёр ва актёрлар талқинидаги ўзига хосликлар билан бирга жузъий нуқсонлар ҳам айтиб ўтилди. Якуний хулосага кўра, мазкур асар муҳокама чоғида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида янада пухталаниб, томошабинлар ҳукмига ҳавола этиладиган бўлди.

**Ўз ахборотимиз**

Куюнчак мактуб

## ДУМ ТУШИБ ҚОЛСА...

Она тилимиз ривожи ҳақида ўйлар эканмиз, мамлакатимиз мустақиллиги сари қўйилган дадил қадам бўлган тарихий воқеа — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши, унинг нуфузи, салоҳияти, обрў-эътибори ошиши йўлида қилинган ишлар кўлами яна бир бор кўз олдимизда гавдаланади. Тилимизнинг миллий қадриятлар ва урф-одатларимизни тиклашдаги ўрни беқиёс бўлганлиги, шубҳасиз. Биргина жойларнинг номланиши билан боғлиқ жараёнларнинг ўзиёқ буни яққол исботлаб турибди. Аммо тилни мукаммал билиш — доимий ўқиш ва ўрганишни, изланишни талаб этадиган мураккаб жараён.



Сирасини айтганда, бу борада амалга оширилган ишлар билан бирга, ҳали қилинадиганлари ҳам талайгина. Гап оммавий саводхонлик ҳақида кетганда, бу нарса кўзга янада яққолроқ ташланади.

Кейинги пайтларда имло қоидаларига риоя қилишда анча-мунча қусурлар пайдо бўлаётгани кишини ташвишлантиради. Биргина имло хатоси туфайли маъно бутунлай ўзгариб кетишига мисоллар жуда кўп. Жумладан, газета-журналларда ўқтин-ўқтин "Корректор (мусаҳҳиҳ) ён дафтаридан", "Мусаҳҳиҳ янглишганда" каби рукнлар остида сўзлардаги битта ёки иккита ҳарф хато ёзилиши (ўзгариши) оқибатида келиб чиқадиган ва бутунлай ўзгача маъно касб этадиган сўзлар бериб борилади. Арзимаган бир хато билан сўзни мутлақо бошқа маънога ўзгартириб, сўз ўйинига сабаб бўладиган бундай топилмаларни ҳамиша қизиқиб ўқиймиз ҳам.

Аммо имловий хатолар доим ҳам кулгили ҳолатларга сабаб бўлади, деб ҳисоблаш нотўғри. Чунки имлодаги хатолар аксарият ҳолларда нохушликлар келтиради. Муаллиф шаънига, газета ва журналлар, нашриётлар нуфузига путур етказади ҳам. Шу ўринда ўзим гувоҳ бўлган бир мисолни келтириб ўтай: 80-йилларнинг охирида бизнинг "Машъал" газетамиз саҳифаларидан бирида ичкиликбозликка қарши "Оқ оғу келтирган қайғу" сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинганди. Ҳамкасбимиз Усмонали Ҳамидов (охирати обод бўлсин) тайёрлаган бу мақоланинг бир жойида "ахир ичкилик ўта зарар-ку" ибораси "ахир ичкилик ўта зарур-ку" шаклида саҳифага чиқиб кетган ва анча кўнгилхираликларга сабаб бўлган.

Ёзувдаги имло хатоларини эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Салгина эътиборсизлик билан "спорт" сўзи "спирт"га, "ҳурлик" сўзи "хўрлик"ка айланиб қолса, бу аянчли бўлмайдими?!

Худди шу сингари тенг боғловчи бўлган "ҳам" сўзининг имловий хато сабаб "хам" шаклида ёзилиб қолишини олиб кўрайлик. Бу ҳолатда арзимас кўринган хато — "дум"нинг тушиб қолиши оқибатида катта хатога йўл қўйилган бўлиб чиқади: аввал тенг боғловчи маъносини англатиб келган сўз энди бутунлай бошқа — боши эгилган (киши) маъносини англатадиган сўзга айланади-қолади.

Айрим теле ва радиобошловчиларнинг алмойи-алжойи гап-сўзлари, баъзи хусусий, кўнгилочар газета ва журналларнинг тили, шунингдек, касб усталари бўлмаган актёрларнинг шевада гапиришлари ёки сўзларни бузиб талаффуз этишлари кўнгилга ғашлик солади. Навоий ҳазратлари "Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз" деганлар.

Тил — миллат кўзгуси, дея бежиз айтилмаган. Миллатнинг миллатлигини белгилайдиган биринчи ва асосий омил, бу — тил. Тил — миллатнинг дили ҳам. Дилни ранжитмаслик учун бор-йўғи тўғри сўзлаш ва тўғри ёзишни ўрганишимиз керак.

**Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ**

# СЕНИНГ СОҒИНЧИНГ

Икром ОТАМУРОД



*Соғиндим қўзигул исини,*
*тўрғайлар сасини соғиндим.*
*Чизиб олис даштлар тусини*
*канглумга хотирлар оғинди.*

*Йўллар олис.*
*Бағримни ситар.*
*Қолди фақат хотирлар холис.*
*Ёвуқларким,*
*олислаб кетар,*
*олисларда олислар олис...*

*...Янтоқларнинг ширасин сўриб,*
*ин қурар,*
*ниш санчиб замбурлар.*
*Тўрғайлар тўшига тўш уриб,*
*симиллаб ёғади ёмғирлар.*

*Тунда ой нурлари шокила,*
*юлдузлар нигоҳи жилвали.*
*Осмоннинг қаъридан тўкилар*
*чароғон шуълалар ҳилвали.*

*Тонг отар.*
*Қўзигул лабидан*
*сирғалади шудринг намлари...*
*...Хотирлар —*
*канглумнинг тубида*
*титрангин даштларнинг ғамлари.*

*Соғиндим қўзигул исини,*
*тўрғайлар сасини соғиндим.*
*Чизиб олис даштлар тусини*
*канглумга хотирлар оғинди.*

* * *

*Не тонг,*
*чархи дунда гўёки ҳамма*
*танишдай туюлар,*
*туюлар ҳамдам.*
*Аслида,*
*нафақат нотаниш ҳамма,*
*нотаниш макон ҳам,*
*йўл ҳам, дунё ҳам.*

*Қўл бериб,*
*елкадош ёрон мисоли*
*қадам босар гўё ҳамма ёнма-ён.*
*Аслида,*
*нафақат нотаниш ҳоли,*
*нотаниш умиду нотаниш армон.*

*Бундоқ қараганда жойида дурур,*
*ҳамма туташ томир —*
*бир ришта янглиғ.*
*Аслида,*
*ташқари шундай кўринур,*
*ичкари бирдайин нотаниш, тангли.*

*Ғалвирдай титилиб,*
*тўкилар бағир,*
*борки кўринишлар рўёдир,*
*Э воҳ!*

*Муносабат барпо қилган бул яғир*
*гардун бепарво, чир айланади, оҳ!*

*Билмам,*
*бу не азоб,*
*билмам,*
*не хато?*
*Одам муносабат ройида тани*
*биров тугул,*
*ўзин танимас ҳаттo,*
*бегона яшагай руҳ билан тани.*

*Бир оғриқ канглумда қад ростлар чаннон,*
*шунчаки йўлимас,*
*дилидан сахтли,*
*ҳамма бир-бирини танийди қачон*
*битта боғда ўсган дарахтлар тахлит?*

*Не тонг,*
*чархи дунда гўёки ҳамма*
*танишдай туюлар,*
*туюлар ҳамдам.*
*Аслида,*
*нафақат нотаниш ҳамма,*
*нотаниш макон ҳам,*
*йўл ҳам, дунё ҳам.*

* * *

*Тун. Кўкда гуллайди юлдузлар.*
*Сокин-сокин.*
*Ой чиққан кеча.*
*Хаёлимга ботади излар*
*хотираларинг, ёдларинг ича.*

*Сенинг исминг,*
*сенинг соғинчинг*
*жонимга битилган муқаддар:*
*замин қадар ёвуқ боғичи,*
*олис дурур, ҳув, осмон қадар.*

*Чирмагайдир руҳимни азоб —*
*тек қотаман,*
*лаҳзалар чўзиқ*
*арқонини яна-да тезоб*
*узайтиб тортади чизиқ.*

*Чеҳранг боқар ёдимдан суман,*
*метин бойлар юрагимда оҳ.*

*Тун қаъридан ўрлаган туман*
*канглумга кўз ташлар баногоҳ.*

*Тун. Кўкда гуллайди юлдузлар.*
*Сокин-сокин.*
*Ой чиққан кеча.*
*Хаёлимга ботади излар*
*хотираларинг, ёдларинг ича.*

* * *

*Субут қидирасан узоқ, яқиндан,*
*тополмайсан, канглунг зил тортар сим-сим.*
*Қовжираб боради чатнаб, чақилган*
*жонингда кўкарган субут ёлғиз, жим.*

*Қарайсан. Бебурд гап югурар зоқ-зоқ*
*дунёнинг субутсиз ўнг, сўлларида.*
*Қадамингда фириб дуч келар ҳар чоқ*
*тиржайиб, кўзи оч нафс йўлларида.*

*На ғаним, на дўстдан зарра гинанг йўқ.*
*Не ҳам дейсан. Ройи шуни чўтласа.*
*Зора, дўстинг шундан дилин этса тўқ,*
*зора, ғаним шундан бағрин бутласа.*

*Ғарибим, атрофинг муғомбир ёлғон,*
*руҳингга чўккалар чошдай изтироб.*
*Субут-да толғондир, ўзинг-да толғон,*
*ўзингни ўртайсан ўзинг шам суроб.*

*Субут қидирасан узоқ, яқиндан,*
*тополмайсан, канглунг зил тортар сим-сим.*
*Қовжираб боради чатнаб, чақилган*
*жонингда кўкарган субут ёлғиз, жим.*

* * *

*Сўзлар учди лабларингдан париваш,*
*новдалардан учган қушлар мисоли.*
*Термулдим.*
*Интилдим.*
*Юрагим дардкаш —*
*мени қучар энди ҳижрон висоли.*

*Қўлларим чўзилган,*
*қотар муаллақ,*
*умиди соврилган армондек мустар.*
*Қаршимда тиржайиб туради илҳақ*
*айролиқ жонимга санчилмоқ истаб.*

*Висол шуъласидан сирқираган нур*
*қайларга кўчади тўлғаб ломакон?*
*Нетайинки,*
*Топиб роҳату ҳузур,*
*ғам дилимни айламиш макон.*

*Насимлар эсар ғуборларни сидириб,*
*сукунат канглумда титранади зор.*
*Соғинчим ўксинар,*
*соғинч қидириб,*
*дунё,*
*висол учун бунча бағринг тор?*

*Сўзлар учди лабларингдан париваш,*
*новдалардан учган қушлар мисоли.*
*Термулдим.*
*Интилдим.*
*Юрагим дардкаш —*
*мени қучар энди ҳижрон висоли.*

# БАЛИҚ БОЛА

**Ҳикоя**



Кўчадан жарчининг жанозага чақирган товуши келди. Марҳум ким — эшитолмадим, чақириқ тракторнинг бўғиқ овози билан қоришиб кетганди. Шуниси ҳам маъқул, марҳумнинг кимлигини билсам уч-тўрт кун беҳузур, кўнглим бузилиб юраман. Тўғри, бугун бўлмаса эртага эшитаман, лекин инсон қайғудан бир дақиқа бўлсин йироқ бўлишни истайди.

Деразамдан Боботоғ кўриниб туради. Кайфиятим бўлмаганда шу тоққа термиламан. Дардим аригандай бўлади, ўзимни енгил ҳис қила бошлайман. Чўққиларини қоплаган қор руҳиятимни тетиклаштиради. Шунда мен ҳамма нарсани унутаман ва қояларда ўтмишнинг абадий манзараларини кўраман. Бундай мўъжизани на денгиздан, на бийдай чўлдан топасиз. Назаримда, фақат тоғ шундай қудратли таъсирга эгадай туюлади.

Ҳозир тоғнинг бошида тўп-тўп булут осилиб турибди. Бизда шундай: бир зумда осмоннинг ранги бўзариб, шариллаб ёмғир қуйиб беради. Бундай маҳал қуёш қуюқ булут ортига беркиниб олади. Қора булутлар челаклаб қуя бошлайди. Аммо ҳаво тезда очилиб кетади.



Шамол турмасдан деразамни ёпдим-да, хонамнинг у бурчидан бу бурчига бориб келавердим. Ташқарида эса, момақалдироқ гулдирайди. Чақиннинг ўткир нурлари деразадан кириб, тўртбурчак шаклда тўшалган кўрпачаларга қадар санчилади.

Бугун ёмғир тингунча ташқарига чиқмадим, кўрпачага чўзилиб, дераза ортидаги қора булутнинг чок-чокидан сўкилишини жим томоша қилиб, буни ўзимча инсон умрига муқояса қилиб кўрдим.

Ётсам ухлагунимча хаёллар дунёсига ғарқ бўламан. Айниқса, бугунгидай бировнинг қазо қилганини эшитсам ўз ёғимга ўзим қовриламан. Нимага бундай — тушунмайман. Бошим лўқиллаб оғрийди. Дардни бартараф қилайин, деб ўрнимдан тураман, бировларга дилимни ёргим келади. Ичмасам, чекмасам, кечалаб дайдиб юрмасам, қаердан орттирдим экан бу дардни? Билмадим, бунга тайинли жавоб тополмаяпман. Ҳозир ҳалиги марҳумнинг кимлигини ўйлаяпман. Бу шум хабарнинг менга алоқаси йўқ. Лекин иродамдан ташқаридаги аллақандай куч кўнглимга соя солади, ғамга ботаман.

Шу орада қуёш порлаб, осмон ювилган шишадай яроқлаб очилди. Ҳовлига чиққанимда ёмғирдан кейинги хушбўй ҳид димоғимга урилди. Ёқимли ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олдим, тепадаги қалдирғочларнинг ҳавони кесиб ўйноқлаб учаётганини томоша қилдим. Қушларнинг парвозига маҳлиё бўлиб, Лоқай чолнинг келганини пайқамай қолибман. Унинг чеҳраси ташвишли эди. Мунгли овоз билан: "Бу қандай кўргулик бўлди. Қорасоч кампир ўзини сувга ташлабди... асрга чиқараркан. Юр, борайлик", деди. Бамайлихотирлигимни кўриб, мендан бироз нафратланди чамамда. "Менда нима айб, буни мен қилганим йўқ-ку", дедим ичимда. Мендан тайинли жавоб олмагач, чол иркит лой устидан юриб кетди.

Уйга қайтиб кирдим. "Кечагина соппа-соғ юрувди-ку! Охири ниятига етибди-да. Тавба, одам ўзини ўзи... Шусиз ҳам одамни дунёга боғлаб қўйгани йўқ-ку!". Кейин кампирнинг тириклар сафидан чиққани ҳақида ўйладим. "Агар у ростданам ўзини сувга ташлаган бўлса... демак, шундай бўлиши керак эди", деган фикрга бордим. Бу фикр миямга ўз-ўзидан келмади, сабаби бор эди...

Бу воқеага йигирма йилча бўлди. Пахта терими пайти ҳамма далада. Қорасоч момонинг тўрт ёшли ўғли бор эди. Ўзиям қирқ ёшида фарзанд кўрди. Тиловмурод — Худодан тилаб олгани, уни ҳеч кимга ишонмасди. Далага чиқсаям, кўчага чиқсаям ўзи билан олиб юрарди. Бир сафар раис бува: "Манаву тирмизагингни иккинчи бу ерда кўрмайин", деб ўшқириб берди. Сўнг бригадир ҳам қаттиқ гапирди:

— Анаву шийпондагилар нима иш қилади? — деди у, — шуларнинг қўлига топшир!

Бироқ кампирнинг қулоғига гап кирмади, боласини етаклаб келаверди. Ҳатто "Менинг болам билан ишларинг бўлмасин", деб бошлиқларга ачитқи гап қилди.

Бола ёнимиздаги дарё қирғоғига бориб, сувга тош отар, тарам-тарам доира ҳосил бўлганда "Эна, қаранг, қаранг", деб қичқирарди. Кампир қўлидан етаклаб олиб келса, яна кетиб қолаверарди. Тоқати-тоқ бўлгач, "Сувдан узоқроқ бўл, тағин тушиб кетма", дейдиган бўлди.

Тиловмурод дарёга нон ташлаганда балиқларнинг ғуж бўлганини кўриб завқланиб қичқирарди. Бора-бора бу унинг севимли ўйинига айланди. Далага боргандан дарёга энар, бутун бошли нонни балиқларга тўғраб берарди. Эрмак одатга кирди. Она ҳам, атрофдагилар ҳам хавотирланмай қўйди. Шундай кунларнинг бирида болани балиқлар аврадими, уларни тутаман, деб дарёга тушди-ю чўкиб кетди. Анчадан кейин Қорасоч кампир эгатдан чиқиб, "Тилов-у-у", деб чақирди. Ўғлидан садо бўлмади. Қўлини оғзига қўйиб яна қичқирди, яна жавоб келмади. Этакни улоқтириб, дарё томон чопди. Лекин бола йўқ эди. Шунда йигирма чоғли аёллар чуввос солиб йиғлади. Онаизор бошини тошга уриб ёрди. Одамларнинг қўлидан юлқиниб, "Энди бу дунёда яшолмайман, боламнинг изидан кетаман", деб ўзини сувга отди. Уни дарёдан чиқариб, "Кўп ўртанманг, болангизни топамиз", деб далда беришди. Бу гаплар онага таъсир қилмади.

Оқмозорликлар болани бир ой қидиришди. Бешинчи ҳафтада унинг нобуд бўлганини тан олишди.

Кампир ёлғиз қолди. Бошда у дарёнинг бўйига тез-тез бориб турарди. Кейинчалик шу ердан нари кетмай қолди. Ёздаям, қишдаям сувга термилиб ўтираверарди. Одамлар бунга кўникди, оқибатда ҳеч кимнинг у билан иши бўлмай қолди.

— Энди-энди мени тинч қўядиган бўлишди, — дерди у. — Бўлмаса уйдан бир қадам чиқсам ёш болалар ҳам қўлини бигиз қилиб кўрсатади, яна дарёга кетаяпти, деб. Бу менга оғир ботади. Мен ёш бола эмасман. Улар буни билмайди.

Қиш куни, қор учқунлаётганди. Уни доимгидай дарё лабида кўрдим. Мункайиб сувга тош отар ва гапириб қўярди. "Болажоним, қорнинг очдими, — дерди сувга қараб, — сенга нон опкелувдим. Ҳозир бераман, айланай". Бурилаётиб мени кўрди-да, сесканди, чийиллаб:

— Туф-э, туф, — деди ичига туфлаб, — шобирингни бериб келсанг бўмайдими? Ўтакам ёрилай деди-я. — Пича тургач: "Бу ёқда нима қиляпсан ўзи," деди.

— Молларни жилдириб келаятувдим. Сизни кўриб тўхтадим. Кетдик, рўмолингиз намиқиб қопди, — дедим.

У қўлини силтади. Кейин худди аразлаган боладай терс бурилиб олди. Шойига нон тугиб келган экан. Ноннинг охирги бўлагини олди-да, дарёга отди. Бир тўда балиқлар сузиб келиб, еийшга тушди. Кампир эса: "Вой болажоним-э, қорнинг очдими? Энанг ўргилсин, ол, е, болам. Еявер", деб дарёга тикиларди.

Мен ҳеч нарсага тушунолмасдим. Чинданам ўғли кўринаяптимикин, деб олдинга энкайдим, бироқ балиқлардан бўлак ҳеч нимани кўрмадим.

Кампир тинмасдан гапирарди. Гаплари ипга тизилган маржон доналаридай бир хил эди. Ниҳоят балиқлар тарқалиб кетди, кампир жаврашдан тўхтади. Шунда мен кампирнинг кўзларида умид учқунларининг изини кўрдим. "Ҳеч ким кўринмади-ку, шунча гапни кимга айтдингиз?", дедим. Аввалига у бироз ўйланди. Сўнг шундай деди:

— Балиқларни боламга ўхшатаман. Улар менга юпанч. Мен балиқлар билан овунаман.

Кампирнинг кўзида ёш ҳалқаланди. Юринг энди, қор ҳам тезлади, дедим. Кейин қишлоққа йўл олдик. Унинг унсиз ҳиқиллаши кўнглимни ҳуфтон қилди. Кечгача сиқилдим. Шундан кейин кампирнинг ёнига бормай қўйдим.

Мана, балиқлар кампирни ҳам олиб кетибди: Бўлди, энди бу ҳақда ўйламайман.

**Дилмурод СОДИҚОВ**

# ЛАТИФБОЙНИНГ ЛОФЛАРИ

**Китобингизни ўқидим**

Кейинги йилларда китоб дўконларида севимли болажонларимизга аталган турфа хил китоблар тобора кўпайиб бораётгани айниқса қувонарлидир. Ёшлигидан китоб ўқишга ўрганган, халқимизнинг




минг йиллик эртаклари сеҳридан баҳраманд бўлган болалар қалбида эзгулик, меҳр-оқибат ришталари пайдо бўлади. Фарзандларимизни китоб билан дўстлашишга ўргатсак, уларга турли байрамларда китоб совға қилишни одат қилсак, бу билан уларнинг мурғак дунёсига нур, зиё олиб кирган бўламиз.

Таниқли болалар шоири Турсунбой Адашбоевнинг болажонларга янги совғаси "Латифбойнинг лофлари" деб номланади. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририятида чоп этилган ушбу тўпламга шоирнинг турли йилларда ёзилган энг сара шеърлари жамланган бўлиб, уларнинг кўпларини жажжи китобхонлар ёддан билишади.

Турсунбой Адашбоев шеърларида болаларга хос содда ва қувноқлик, топқир ва абжирлик, алоҳида маҳорат билан ифодаланадики, уларни ўқиганда беихтиёр болалик йилларингиз ёдингизга тушади. "Латифбойнинг лофлари" айни шундай фазилати билан ҳам катта-кичик китобхонларга манзур бўлади деган умиддамиз.

## СЎНГГИ ЯНГИЛИКЛАР.



СУРАТДА: Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом ва шоир Абдунаби Бойқўзиев

# МАСАЛ ВА САҲНА

Масал одамлар хулқ-атвори, нуқсону қусурларини турли тимсоллар орқали фош этувчи бетакрор шеърий жанрдир. Жаҳон адабиётида Эзоп, Гулханий, Крилов каби забардаст масалнавислар кўп ҳам учрайвермайди. Чунки масал ёзиш учун катта иқтидор керак.

Масалчиликка меҳр қўйган ўзбек адиби Мухтор Худойқулов кўп йиллардан бери шу йўналишда қалам тебратмоқда. Унинг "Дарё ва Пўкак", "Зирапча", "Соялар", "Қирқ масал", "Аломат дунё" сингари шеърий ва насрий масаллар тўпламлари китобхонларга маъқул бўлган.

Мухтор Худойқуловнинг масаллари мавзу жиҳатидан ранг-баранг, уларда ҳаётнинг турли қирралари тасвир этилади, жамиятдаги нуқсонлар ҳажв остига олинади. Масалан, "Фил ва пашша" масалида Пашша барча жониворларга филнинг қариндошиман, деб мақтанади:

**Қариндош бўлганчун**
**ўхшашмиз шунча,**
**Унда хартум бору, менда хартумча.**

Бу билан шоир "Хўш, кимда номдорроқ хешу ақрабо?" деб ўзининг катта амалли қариндошларидан тиргак изловчилар устидан кулса, "Бароқ билан Лайча" масалида хушомадгўйлик иллатини масхара қилади. "Соялар" масалида эса жамиятга нафи тегмайдиган "соясимон" одамлар фош этилади. Масал давомида шундай ҳолат тасвирланган:

***Бироз нафасини ростлаш маҳали —***
***Кўзи тушиб қолди ўз соясига,***
***Сояси ўхшайман деб эгасига —***
***Эгилса эгилар, турса — туради,***
***Тўхтаса — тўхтарди,***
***юрса — юрарди...***
***Қайга борса ундан қолишмас сира,***
***Тайин-товони йўқ кўланка, хира.***

Масалдан қуйидаги ҳажвий-фалсафий хулоса чиқарилади:

**Сояда нима айб — кўланка холос,**
**Соясимонлардан кулдик**
**биз бироз...**

"Тулки билан Бўрсиқ" масали ҳам кишиларни тўғриликка, ҳалол меҳнат билан яшашга чақиради. Масалда тасвирланишича, Бўрсиқ қўшниси Тулкига ҳавас қилиб товуқ ўғирлагани боради, аммо уйни қўриқлаётган ит уни пийпалаб, адабини беради.

**Ҳа, қўшнинг кўр бўлса**
**кўз қису, бироқ —**
**Агар ўғри бўлса юр ундан йироқ,**
дея қиссадан ҳисса чиқарилади.

Мухтор Худойқулов масаллари орасида чуқур мазмунли, маҳорат билан ёзилган бундай асарлар анчагина.

Шуни айтиш керакки, масал ўз жанрий хусусиятига кўра маълум тугалланган шаклга эга драматик асар ҳамдир. Унда икки-уч "қаҳрамон"нинг ўзаро баҳси ва бундан келиб чиқадиган кучли хулоса берилади. Ҳажвий ҳолат ва тасвирлар асосига қурилган масални саҳнада ёки радио ва телевидение орқали ижро этиш ҳам мумкин. Шунинг учун сўз усталари, актёрлар, қизиқчилар бу жанрга тез-тез мурожаат қилишади. Мухтор Худойқуловнинг масаллари орасида ҳам ижро учун мос, мазмунан тагдор, ихчам ва кулгилилари кўп. Институтимизда ўқиган кўпгина талабалар имтиҳон пайтида М.Худойқуловнинг масалларидан фойдаланганликларини айтишади. М.Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти талабалари билан саҳна нутқи, актёрлик маҳорати бўйича олиб бориладиган машғулотларда ҳам бу жанр жуда қўл келади. Шу боисдан ҳам, "Саҳна нутқи" фани бўйича тузилган дастурда масал жанри бўйича ўқув ва амалий-ижодий машғулотларга алоҳида ўрин ажратилган. Аммо афсуски, масал жанрида ёзилган китоблар жуда кам. Мухтор Худойқуловнинг мазкур масаллар тўплами китобхонлар учунгина эмас, санъат ихлосмандлари ва талабалар учун ҳам айни муддао.

**И.ЖУМАНОВ,**
**Тошкент Давлат санъат институти ўқитувчиси**

Муҳаммад ҒАФФОР

# Сувратимни чизади қалам

## ЕСЕНИН

**Ҳар кун шундай ўтар кунларим**
**Ғала-ғовур майхоналарда.**
**Хатарлидир юрган йўлларим,**
**Кетаяпман сирпанч қояда.**

**Бошим узра ёлворади ой:**
**Адашмагил, уйга қайт, болам.**
**Усти-бошим қараб бўлмас, лой,**
**Сувратимни чизади қалам.**

**Кучукчамга шеърлар ўқийман,**
**Қандай яхши, қарсак чалолмас.**
**Сатрларда дунё тўқийман,**
**Кўзларини мендан ололмас.**

**Ҳар кун шундай ўтар кунларим**
**Ғала-ғовур майхоналарда.**
**Хатарлидир юрган йўлларим,**
**Кетаяпман сирпанч қояда.**

* * *

**Ҳаёт уммонида учрашиб қолдик,**
**Севгига шарафлар ўқидик тинмай.**
**Севиб чарчамадик, севиб толмадик,**
**Қанча довуллар-у бўронга кўнмай.**

**Бизни буколмади ҳижрон тунлари,**
**Юлдузлар ўзига чорлади доим.**
**Дўстлар ҳам хиёнат қилган кунлари**
**Дарахтга суяндик, дарахт мулойим.**

**Нафс ботқоғига асло ботмадик,**
**Тунлар кутиб олди бизни ойчечак.**
**Бу дунёга келиб ҳеч на топмадик,**
**Кўзга суртганимиз бўлди бойчечак.**

* * *

**Бойчечак кулади —**
**қиқирлаб, қиқирлаб, қиқирлаб,**
**майсалар эшитган —**
**шивирлар, шивирлар, шивирлар.**

**Кўксингда нимадир тепади,**
**ой маъюс силайди хаёлни.**
**Сездирмай шабада ўпади**
**деразадан қараган аёлни.**

* * *

**Хиёнатдан торттил қадамни,**
**Севсанг агар қароғингда куч.**
**Тирилтирар ўлган одамни**
**Битта сўз-у, биргина ўпич.**

**Қувиб юбор дилдан рўёни,**
**Коинотни ололмаган из.**
**Йиртиб юборади дунёни**
**Битта ўпич, биттагина сўз.**

* * *

**Балқиб турар кўкда тўлин ой,**
**Қимирлашга қўрқасан ҳатто.**
**Сокингина шилдирайди сой.**

**Шундай гўзал, шундай саришта,**
**Бу дунёда йўқдай сағирлик.**
**Мен севаман, деган сўз ҳатто**
**Бу кечага қилар оғирлик.**

